



ЎЗБЕК ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА ҲАЖВИЙ ҚАДАҲ СЎЗИНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Анорбоева Махбуба Собировна

Андижон давлат чет тиллари институти ўқитувчиси

Қадах сўзи нутқий жанри ижтимоий ҳодиса бўлганлиги сабабли ижтимоий жамиятда ижтимоий катта ва кичик тарбирларда ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Ижтимоий тармоқларда дўстлар орасида кенг тарқалган қадах сўзлари кўп ҳолларда ҳажвий шеър кўринишида ифодаланади. Ҳажвий шеър кўринишидаги қадах сўзларининг қўлланилиш доираси ижтимоий дўстона тадбирлар ҳисобланади. Ўзбек лингвомаданиятида ижтимоий тармоқларда дўстона тадбирларнинг ўзига хослиги хорижда истиқомат қилувчи ва ишловчилар орасида ўтказилиши билан характерланади. Буларда, асосан, кулгу уйғотувчи қадах сўзлари машҳур кўшиқлар ёки шеърлар матнига тақлид асосида яратилади. Қадах сўзи матнининг кириш, асосий ва якуний қисмларининг ўзига хослиги қуйидагича:

Ўзига хос тайёргарликка эга нутқ сўзловчи кўлига ароқ қуйилган пиёлани ушлаганча, нутқини бошлайди:

Кириш: Ҳар бир тўйда эъзозли шиша, Майи тугагач улоқтирар ҳамиша менку ачинмайман, акаларим, укаларим, май заволига, бугун ҳеч ким тушмасин, эшдавлат акамнинг тўйида шиша ҳолига.

Асосий қисм: Қолаверса, ажойиб санъаткор Эркин Ҳудойқулов бир кўшиги билан халққа танилди: Етмиш юлдуз бир бўлиб, ярим ойча бўлолмас, етти янга бир бўлиб битта она бўлолмас, она тирик эшикка ғурбат яқин йўлолмас... уй турида тол бешик акам ётган мен ётган... Ушбу кўшиқни менга ухшаган ичувчи акалар шундай деб ёзибди: 70 пиво йиғилиб битта ароқ бўлолмас, 7 вино ичган билан ароқ кайфин беролмас, ароғи бор дўконга коньяк яқин йўлолмас, мени эса кайфим зўр тўлғонаман, ошнажон! Гарчи биз ёш хўр эдик, ароқ ичсак, шеър эдик, бир ароқни беш ўғил тенг бўлишиб ичардик, илк бор қадах сўзини акам айтсин дер эдик, тушми энди шу замон, хайронаман ошнажон, уйимизда пиво йўк, вино ҳам йўк, ароқ йўк, менга бермай ўзлари қуйиб ичар тўрт акам, тўрт акмга қўшилиб қотиб қолган тўрт янгам, ўз уйимда жонажон, бегонаман, ошнажон, ичмаганим юзимдан шундай турар билиниб, закуска ҳам узатмас, акаларим илиниб, сарғаяман бўшаган бутилкамга термулиб, ароқ излаб зор қақшаб ломқадаман, ошнажон! Уй тўрида бўш яшик, акам ичган, мен ичган шердек шердек келбатли 4 ўғилни йикитган, яна ичиб бўлса эди, бўлардим жон деб ичган, мен ароқни ҳаммадан қизғонаман, ошнажон, 70та қиз йиғилиб, бир аёлинг бўлолмас, 7 аёл



бир бўлиб хотин меҳрин беролмас, хотини бор эркакка ит ҳам яқин йўлолмас, менда эса хотин йўқ, ғирт бўйдоқман ошнажон, гарчи биз ёш, ҳур эдик, ароқ ичсак шер эдик, барибир биз зўр эдик, биз биз биз эдик, 40 та йигит қизидик, мана қирғин келди, қирилдик, эшдавлат аканинг тўйига келиб ароқди ичиб, роса қизиганда айтаман...

Яқуний қисм: (тингловчиларнинг жавоби қийқириқлар асосида етказилади) ароқ ичилади.

Демак, ушбу қадах сўзи нутқий жанрининг ташкилий композицион тузилиши дастурхонда қадах сўзига навбат берилиш, қадах сўзи айтиш, қадахни ичиш босқичларидан иборат. Бунда хажвий қадах сўзлари матни кириш, асосий ва яқуний қисмлардан иборат бўлиб, кириш қисмида май ичиш ва унинг оқибатлари ёмонликка олиб бориши тўғрисида огоҳлантирувчи ва шишанинг ичидаги майи бўлмаса, улоқтирилиш ҳолати ичувчи кишининг майни ичиб бўлгандан сўнг шиша каби хорланишига ўхшатиш мазмунидаги шеър ифодаланган. Асосий қисмида эса иккинчи ўхшатиш қўшиқчининг шеърига тақлид қилиб айтилган хажвий маънодаги шеърни ташкил қилади. Бунда нутқ сўзловчи ўзбек лингвомаданиятида уйланмаган йигитнинг оҳу ноласини хажв орқали ўхшатишга ўзбек миллий маданий тафаккурини етказиб беришга ҳаракат қилган. Бунда *ароқ ичсак шер эдик* жумласи ароқ ичгандан сўнг ароқ ичувчи учун жамиятдаги обрў, эътибор умуман қизиқтирмаслиги, жанжаллашиш, урушиш, муштлашиш даражасигача етиб бориши кабиларни ифодалайди.

Ўзбек миллий маданиятида ароқ ичган кишилар баъзан эски муносабатларининг ёмон тарафлари эсига тушиб, эски дўстларини безовта қилиши, тарихий воқеаларда уларни айблаши, пессимистик руҳга кириб қолиши ёки ҳаётда ўзига тўғри деб билмайдиган хусусиятларни тарғиб этиши, ўта ўзига бино қўйиши, баъзан ўта оптимист бўлиб кетиши бу йигитларнинг миллий тафаккур характери дур.

Ўзбек лингвомаданиятида ёш йигитларга ёш, ҳур сўзларининг қўлланилиши уларнинг дунёқарашлари содда бўлишлигига ишорадур. Масалан, *гарчи биз ёш, ҳур эдик, ароқ ичсак шер эдик, барибир биз зўр эдик, биз биз биз эдик, 40 та йигит қизидик, мана қирғин келди, қирилдик*. Ушбу лингвомаданиятда *барибир биз зўр эдик, биз биз биз эдик* гаплари йигитларнинг кўркмаслиги, жасоратлилиги, мардлиги, шу билан бирга, ўзига юқори баҳо бераётганлигини англатади. *40 та йигит қизидик* гапи эса ушбу жамиятда гуруҳланиш борлигини, ёшликни индивидуал ўтказмасликни билдиради.

Шу билан бирга, ушбу маданиятда хажвий қадах шеърининг намунаси халқнинг адабиёт ва хажвга бўлган ижобий муносабатини кўрсатади. Хажвий қадах сўзида келтирилган оила ва оиладаги муносабатлар ўзбек миллий маданий тафаккурининг маҳсулидур. Бунда *хотини бор эркакка ит ҳам яқин йўлолмас* гапи ўзбек аёлининг эрининг хулқини зимдан назорат қилишга аёллик ҳаққи борлиги, хотини бор эркаклар ўз хотини олдида эркаклик кадр қимматини сақлаши, шарм-ҳаё қилиши масаласида уялиши ўзбек оилаларида меҳр муҳаббат ва абадий оилавий турмушни сақлаш йўлидаги ҳаракат, кадрият деб баҳоланишидан дарак беради. *70та қиз йигилиб, бир аёлинг бўлолмас, 7 аёл бир бўлиб хотин меҳрин беролмас* гаплари эса ўзбек миллий



менталитетида оилани муқаддас саналишидан дарак беради, шу билан бирга, хотинидан бошқа аёллар унга меҳр беролмаслиги, яъни хотинига тенглаша олмаслигини баён қилади.

Хуллас, ушбу хажвий қадах сўзи ўзбек менталитетида ҳосил бўлган қадах сўзи туридир. Бунда кўпроқ шахсинг майга бўлган қараши ва оилага бўлган муносабати ёритилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бахтин М.М. Проблема речевых жанров // М.М.Бахтин. Литературно-критические статьи. – Москва, 1986, 428-472.

2. Bawarshi A.S. Кўрсатилган асар. – Б. 3; Габуниа З.М., Кремшакалова М.Ч. Жанр речи как единица современной лингвистики. Электронный ресурс: <http://revistaseug.ugr.es/index.php/cre/article/viewFile/2593/2736> Дата обращения: 13.12.2018